

Болтабоев Салимбой Акрамович,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети «Касб таълим методикаси»
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

УДК:378.147

БОЛТАБОВ С.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Хар қандай ўқув фани бўйича билимларни ўзлаштиришда мустақил ўқув фаолияти муҳим ҳисобланиб, билимларни мустақил ўзлаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланиб бормоқда. Мақолада талабаларнинг мустақил билим олишлари ва кўникмаларини ривожлантиришга доир тавсиялар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: мустақил билим, мустақил ўқиш, таълим, дидактик жараён, ўзлаштириш, дидактик воситалар, мустақил фикрлаш, сифат, самардорлик.

БОЛТАБОВ С.А. МЕХАНИЗМЫ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ

В освоении знаний по любой учебной дисциплине важна самостоятельная учебная деятельность, а самостоятельное усвоение знаний становится самой актуальной задачей на сегодняшний день. В статье изложены рекомендации по получению самостоятельных знаний и развитию навыков студентов.

Ключевые слова и понятия: самостоятельное знание, самостоятельное чтение, образование, дидактический процесс, усвоение, дидактические средства, самостоятельное мышление, качество, эффективность.

BOLTABOEV S.A. THE MECHANISM OF THE INDEPENDENT LEARNING ACTIVITIES ORGANIZATION IN TEACHING PROCESS

In the development of knowledge in any academic discipline is important independent educational activities and self-learning is the most active task today. The article presents recommendations for obtaining independent knowledge and skills development of students.

Keywords: independent knowledge, independent reading, education, didactic process, mastering, didactic means, independent thinking, quality, efficiency.

**Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги кун и бугун
вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир.**

Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидори, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Талабларга юқори даражадаги билимни ўқув аудиториясидаги машғулотлар тўлиқ бера олмайди. Буни амалга оширишда **мустақил ўқув фаолияти** тўлдирувчи ривожлантирувчи вазифасини бажаради.

Шу ўринда мустақил таълим тушунчасига изоҳ бериб ўтсак. *Мустақил таълим - олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли*¹.

Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади.

Мустақил ишларни бажариш ва мустақил таълимнинг ижобий хусусиятлари олимлардан В.И.Андриянованинг ўзбек мактабларининг 5-6-синфларида рус тили дарсида мустақил иш бажаришни ўргатиш, О.Б.Бердиеванинг геометрия таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси, Э.И.Закиновнинг 6-8-синфларда мустақил ишларни ташкил қилишнинг педагогик асослари, Ў.Н.Султонованинг физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси, Ш.Юнусованинг ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини

ташкил этиш, З.Нишонова, Ж.Толипова ва Н.Халиловларнинг мустақил таълим шакллари ҳақидаги тадқиқотларида кўриб чиқилган. Педагог олим С.Матжоновнинг тадқиқоти иши ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга бағишланган бўлиб, унда дарсларда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма ижодий ишларини ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинган. Зеро, маънавий баркамол авлодни шакллантиришда ижодий ишлар ва мустақил фаолият юритиш ўз-ўзидан эркин тафаккурни талаб қилади. Мустақил тафаккур, ўз нуқтаи назарига эга бўлмаган ўқувчи ижодкор бўла олмайди, мустақил фаолият юритолмайди.

Олий таълим тизимида Т.Р.Ниязметованинг «Ўзбек тили ва адабиёти дарсларида мустақил иш бажариш услубияти» мавзусидаги номзодлик диссертациясида умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш йўллари ва унинг ўқувчини фаоллаштиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

О.Қўйсинов «Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларда мустақил билим олишга қизиқиш ва қобилиятни педагогик маданиятни такомиллаштиришга оид илмий ишларида мустақил билим олиш усулларида тўхталиб ўтган»².

Бизнинг тадқиқот ишимиз олий таълим тизимидаги барча йўналишлардаги талабларнинг таълим жараёнида мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга оид бўлиб, талабалар томонидан мустақил равишда жавоб ёзишни (реферат ёки ҳисобот шаклида) талаб этувчи саволлар, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқирилиши ҳақида.

Биз шартли равишда тажрибамиздан келиб чиқиб, мустақил ишларни уч турга ажратишни тавсия қиламиз:

1. Ёзма мустақил топшириқларга қўйидагилар киради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва

¹ Ҳасонбоев Ж., Тўрақулов Х. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2009. –355-б.

² Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. – Т.: «Фан», 2009. –10-б.

такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш, турли органайзерлар асосида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқалар.

2. График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларни тайёрлаш, чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва ҳоказо), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

3. Амалий характердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: талабалар ўқитувчининг топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадilar.

Мустақил ишлар индивидуал-дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга бўлинади¹:

- билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда талабалар мақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар - ахборотлар, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади;

- ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш, қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади;

- аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар берилади;

- ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар. Бунда янги ёки олдиндан маълум бўлса-да, унгача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Бугунги кунда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнини мустақил ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки айнан мустақил ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда танқидий, ижодий фикрлаш рефлекслари ривожлантирилади. Аммо мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида маълум қийинчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд:

- тарқатма материалларни тайёрлаш масаласи. Педагог томонидан тайёрланган тарқатма материаллар ҳар бир талаба учун кўпайтирилиши лозим. Талабалар сони ўртача 20 нафар бўлиши мумкин. Ҳар бир тарқатма материални 20 тадан кўпайтириш учун маълум маблағ талаб этилади. Педагог ҳар гал ўз ҳисобидан маблағ ажратиш имконига эга эмас;

- дарс жараёнида ташкил этилувчи мустақил ишларни баъзан кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш усулидан фойдаланган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун кичик гуруҳларда ишлашга қулай аудиториялар талаб этилади, аммо бундай имкониятлар айрим олийгоҳларда ҳозирча йўқ;

- кўпчилик педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш маҳоратига эга эмас;

- мустақил ишларни бажариш учун талабалар талаб этилувчи билимлар билан яхши қуролланган, мавзуни чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим. Агар маъруза дарсида талаба етарли тушунчага эга бўлмаган бўлса, у топшириқни ижобий ҳал этиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун мустақил ишларни ташкил этишда авваламбор билимларни фаоллаштириш, эслаш, коррективировка қилиш ва ягона хулосага келиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнини ҳам алоҳида эътиборга олиб, битирув малакавий иш мавзуларини буюртмачилар билан маслаҳатлашган ҳолда танлаш мақсадга мувофиқдир. Битирув малакавий ишларнинг натижалари буюртмачилар томонидан баҳоланади ва реал вазиятларда улардан фойдаланилади.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2019, 7(80)

¹ Мавлонова Р., Раҳманкулова Н., Матназарова К., Ширинов М., Хафизов С. Педагогика. Дарслик. - Т.: «Фан ва технологиялар». -142-б.

1-жадвал. Дидактик материаллар турлари.

Дидактик материаллар	Қизиқарли саволлар
	Муаммоли вазиятлар
	Анкета сўровлари
	Лойиҳалар
	Ижодий топшириқлар
	Ўйинли топшириқлар
	Кроссвордлар

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар лойиҳа ва кейс-стади усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши талабаларда ижодий кўникмаларнинг ривожланишига туртки бўлади.

Мустақил фаолиятни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи кўпроқ дидактик материаллардан фойдаланади.

Дидактик материалларга ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, кроссвордлар каби материаллар киради (1-жадвал).

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор беришни мутахассилар тавсия қилишган¹:

1. Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш.
2. Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш.
3. Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш.
4. Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мўлжаллаш.
5. Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ишларни ташкил этишда «оддийдан-мураккабга» ҳамда «умумийдан-хусусийга», «мавҳумдан-аниқликка» қараб ҳаракатланишни таъминлаш лозим.

Аудиторияда мустақил фаолиятни ташкил этишга оид юқоридаги талаблар тизими билан танишиб чиққач, ўқитувчи аудиторияда олиб бориш мумкин бўлган дидактик ўйинлар билан талабаларни таништиради (органайзерлар, интерфаол методлар, мустақил топшириқлар).

Талабаларни бир неча гуруҳга бўлади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифа топширади.

¹ Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: «Fan va texnologiya», 2009.

Ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган вазифа бўйича тақдимот тайёрлайди.

Талабалар фаолияти индивидуал ҳолда ташкил этилиб, уларнинг ўзларига ўтилаётган курс бўйича аудиториядан ташқарида мустақил фаолиятни ташкил этиш жадвалини тўлдириш таклиф этилади (2-жадвал).

Ушбу фаолият натижаларини таҳлил этиш учун экспертлар гуруҳи тайинланади.

Таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилиши, таълим олувчиларда мустақил фикр ва ижодий фикрни ривожлантириш масаласи таълимнинг долзарб вазифаларидан биридир. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятлари, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги механизмлардан фойдаланилади²:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- сиёсий-маданий ижтимоий ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;

² Болтабоев С.А. Бўлғуси касб таълим талабларида ахборотдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш технологияси. Монография. – Т.: Низомий ТДПУ, 2016. –34-б.

2-жадвал. Аудиториядан ташқари мустақил иш тўғрисида маълумотлар.

Т.р.	Фан бўйича мавзуларнинг номлари	Мавзуга ажратилган соатлар миқдори	Мавзуга мос бўлган аудиториядан ташқарида бажариладиган фаолият тури	Мустақил фаолиятга ажратилган вақт	Танланган мустақил фаолиятдан кутилаётган натижага изоҳ
1					
2					

– семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

– берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;

– ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муамлоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

– муаммоли вазиятларнинг ечимини топиш;

– кейс стади асосида мустақил фаолиятни ташкил этиш;

– касбга оид бўлган лойиҳаларани тайёрлаш.

Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар аудиториядан ташқарида амалга оширилган мустақил ишлар қаторига киради.

Биринчи турдаги ишлар - талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳоказо¹.

Иккинчи турдаги ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб

қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консультация соатларида амалга оширилади. Курс иши ва лойиҳаси ҳамда битирув ишларини ташкил қилиш бўйича олиб бориладиган фаолият ҳам аудиториядан ташқарида олиб бориладиган мустақил ишлар қаторига киради².

Мустақил ишлар жорий ўқув жараёни билан биргаликда ва узвий боғлиқликда олиб борилади. Мустақил равишда билиш доирасини кенгайтириш ҳамда қўшимча назарий ва амалий материални эгаллаш талаба эгаллаётган касбий малака ва ишлаб чиқаришда мустақил ишлай билиш кўникмасини орттириш билан чамбарчас боғланган.

Адабиётлар билан мустақил ишлаш, уни ўқиб чиқиб тушуниш, эслаб қолиш нуқтаи назаридан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларини (масалан, масала ечишни, курс лойиҳаси ва битирув иши лойиҳаларини) ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни топиш ва уларни тизимлаштириш, таҳлил этишни ўзлаштириш нуқтаи назаридан қараш керак. Реферат, курс иши ва битирув ишларининг вазифаси махсус фанлардан олинган назарий билимларни мустақил билим орттириш йўли билан амалий мустаҳкамлашдан иборатдир. Талабалар курс иши ёки битирув иши бажаришар экан, улар албатта, чизиш, ҳисоблаш, таҳлил ишлари билан бирга (бир вақтнинг ўзида) бажариладиган ишлар бўлиб, изланишлар ва прогнозлашнинг илғор усуллари асосида мустақил равишда олиб борилади. Талабаларда курс ишини бажариш малакасини шакллантириш ҳамда талабаларнинг иқтисодий муаммони ечишдаги ижодий изланишлари қуйидаги усулларда олиб борилиши

¹ Педагогиканинг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари. Ўқув-услубий мажмуа. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланган. / Тузувчилар: Низомий номли ТДПУ п.ф.н., доц. М.Х.Умарова, катта ўқитувчилар А.У.Ахмадалиев, А.Б.Тўраев, М.П. Имомов. - Т., 2016

² Ўша манба.

мумкин: муаммони атрофлича ўрганиш, унинг назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва амалий ҳолатдаги четга чиқишларни аниқлаш, ҳатолар ва уларни йўқотиш йўллари излаш. Мазкур фаолиятнинг ютуғи шундаки, у талабаларни ижодий изланишлар, мулоҳазалар юритиш, янги ечимларни ишлаб чиқишга ундайди.

Хулоса ва тавсиялар:

- танланган мустақил фаолият тури мавзунинг мақсади ва вазифаларига мос эканлигига эътибор қаратиш;
- ўз соҳаси бўйича мавзу танлаш;
- танланган мустақил фаолиятга ажратилган вақт муддатини аниқлаш;

• танланган мустақил фаолият эришиш лозим бўлган натижани таъминлашда оптимал эканини асослаш;

• мавзуга мос бўлган мустақил фаолиятни ташкил этишнинг икки оптимал методини танлаш;

• танланган метод асосида қандай кўникма ва малакани шакллантирмоқчи эканига изоҳ бериш;

• топшириқ натижалари бўйича тақдимот тайёрлаш;

• топшириқни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва эришиладиган натижага изоҳ бериш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳасонбоев Ж., Тўрақулов Х. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2009. -355-б.
2. Мавлонова Р., Раҳманкулова Н., Матназарова К., Ширинов М., Хафизов С. Педагогика. Дарслик. - Т.: «фан ва технологиялар».
3. Ярмагов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: «Fan va texnologiya», 2009.
4. Болтабоев С.А. Бўлғуси касб таълим талабларида ахборотдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш технологияси. Монография. - Т.: Низомий ТДПУ, 2016.
5. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. Т.: «Фан», 2009.
6. Педагогиканинг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари. Ўқув-услубий мажмуа. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланган. / Тузувчилар: Низомий номли ТДПУ п.ф.н., доц. М.Х.Умарова, катта ўқитувчилар А.У.Ахмадалиев, А.Б.Тўраев, М.П.Имомов. - Т., 2016.